

Ijtimoiy-tarixiy, ilmiy va ommabop jurnal



SOHIBQIRON YULDUZI




Соҳибқирон юлдузи

№2 (52) 2023 йил

*“Bizkim-mulki Turon, amiri Turkistonmiz, bizkim
- millatlarning eng qadimi va eng ulug‘i Turkning
bosh bo‘g‘inimiz!”*

Sohibqiron Amir Temur



SOHIBQIRON YULDUZI

ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнал

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

АЪЗОЛАРИ:

академик Акмал Саидов
академик Анатолий Сагдуллаев
академик Дилором Юсупова
Сирожиддин Саййид
проф. Абдурахим Эржаев
проф. Қахрамон Ражабов
проф. Юлдуз Эргашева
проф. Баҳодир Эшов
филол.ф.д. Нафас Шодмонов
Тўлқин Ҳайит
т.ф.д. Г.Мўминова
проф. Шокир Ғаффоров
проф. Аҳмад Чориев
филол.ф.д. Хўжамурод Ҳабборов
филол.ф.д. Дамин Тўраев
т.ф.н.доц. Акрам Ҳасанов

Бош муҳаррир:

Очил Бўриев

Масъул котиб:

Азизбек Норов

Нашр учун масъуллар:

Равшан Тўхтамишев

Илҳом Тоғаев

Саҳифаловчи:

Баҳодир Мусаев

МУАССИС:

SOHIBQIRON SHULASI M.CH.J.

Қашқадарё вилоят матбуот ва ахборот
бошқармасида 2012 йил 12 мартда
14-076 рақами билан рўйхатга олинган.
Журнал йилда 4 мартаба чоп этилади.
Журналдан кўчирма олинганда манба
қайд этилиши шарт.

Манзилимиз:

Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси,
2-уй. Телефон: 221-13-78. 91.466-80-32
Теришга 17.02.2022 йилда берилди.
Босишга 24.03.2022 йилда рухсат
этилди. 24.03.2022 йилда босилди.
Бичими 70x100 1/16. 8,0 босма табақ.
Адади 100 нусха. Буюртма № 208
Журнал «Photo Express» ишлаб чиқариш
корхонаси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили:

Қарши шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.

Электрон манзилимиз:

sohibqiron_jurnali@mail.ru

2023 йил № 2 (51)



2023 йил
«Инсонга эътибор
ва сифатли таълим»

Журнал таниқли шоир, маънавият
жонкуяри (марҳум) Исмоил Тўхтамишев
ташаббуси билан ташкил этилган.
2010 йилдан чоп этилади.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация
Комиссияси раёсатининг 2018 йил
29 декабрдаги 260/7-сонли қарори билан
«Тарих» фанлари бўйича илмий журналлар
рўйхатига киритилган.



MUNDARIJA

ТЕМУРШУНОСЛИК

О.Раҳматуллаева, YURTIMIZ BAYROQLARI: VATANIMIZNING HURLIGI TIMSOLI SIFATIDA.....	4
Қамола Қаямова, TOJ SALMONIY "TARIXNOMA" ASARIDA AMIR TEMURNING SO'NGGI HARBIY YURISHI BILAN BOG'LIQ SIYOSIY JARAYONLARNING YORITILISHI.....	7

ТАДҚИҚОТ

Диёржон Абдуллаев, ҚО'ҚОН ХОНЛИГИ МУКОФОТЛАШ ТИЗИМИ ТАРИХИДАН.....	13
Bobur Meliqulov, YANGI O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA BAYNALMILAL MADANIYAT MARKAZLARI VA UNING MILLATLARARO MUNOSABATLARDA TUTGAN O'RNI.....	20
З.Т.Тоғайев, XIX ASR OXIRI -XX ASR BOSHLARIDA TURKISTON MINTAQASIDA FAOLIYAT YURITGAN AYRIM REAKSION UYUSHMALAR TARIXI XUSUSIDA.....	27
Ш.Элбоева, MADANIY MARKAZLARNING O'RNI VA AHAMIYATI.....	30
I.G.Elmuratov, QORAQALPOG'ISTONDA ARXEOLGIK MAKTAB TASHKIL QILINISHI VA TARIX ILMINING HOLATI.....	38
Omon Gadayev, MAHALLA MILLIY QADRIYATLAR ASROVCHISI SIFATIDA.....	44
Xumora Moyliyeva, BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARINING MUSTAQILLIGINI SHAKLLANTIRISHDA KREATIV FIKRLASHNING O'RNI.....	48
Nigora Nazarova, VATANPARVARLIK RUHI VA QAHRAMONLIK TUSHUNCHALARI BUYUK AJDODLARIMIZ MISOLIDA.....	50
Firuz SHIRINOVA, NAVOIY VILOYATIDA MAKTABGACHA TA'LIM TIZIMINI HUQUQIY - ME'UORIIY ASOSLARINI YARATILISHI VA ISLOHOTLARNING DASTLABKI BOSQICHI (1992 - 2021 yillar).....	57
Mustafayeva Maftuna, TILSHUNOSLIKDA MODALLIK KATEGORIYASI TADQIQI.....	66
E'zoza To'rayev, ZOMINNING QADIMGI TARIXIGA NAZAR.....	69
A.Yakubov. O'ZBEKISTONNING TA'LIM SOHASIDAGI ILG'OR XORIJIY TAJRIBALARI.....	75
И.Даурбекова, И.Қушшақов, ABU HASAN SAG'ONIIY ILMIIY FAOLIYATI ("SAHIHUL BUXORIIY"NING "BAG'DODIIY" NUSXASI KODIKOLOGIK TAVSIFI).....	79
Бабаджанов Х.Б. IKKINCHI JAHON URUSHI YILLARIDA O'ZBEKISTON AHOLISINI OZIQ-OVQAT MAHSULOTLARI BILAN TA'MINLASHDA YUZAGA KELGAN MUAMMOLAR.....	86
JUMAYEVA Sh.S., JAHOLATGA QARSHI - MA'RIFAT BILAN KURASHISH ASOSIIY SHIORMIZGA AYLANSIN.....	92
Йўлдошхон ИСАЕВ, BUJAYRIY NISBALI ROVIYLAR.....	96



Махманазаров Қ.А., BUGUNGI KUNDA TARIX FANINI O'QITISHDAGI ASOSIY METODLAR.....	103
МАРҒУБА ҚУРБОНОВА, TIL - JAMIYAT KO'ZGUSI.....	108
Баҳромжон Хайназаров, XX ASRNING BIRINCHI YARMIDA O'ZBEKISTON TA'LIM TIZIMIDAGI O'ZGARISHLARNING UYG'URLARGA TA'SIRI.....	114
Shohruhbek Mamadaliev, MAHALLIY MATBUOTDA OCH VA OCH BOLALAR MASALASI.....	119
Г.Муминова ҚарғУ. А.Файзуллаев ҚарғУ. СТАНОВЛЕНИЕ СИСТЕМЫ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ В ТУРКЕСТАНСКОЙ АССР, БНСР и ХНСР.....	126
Маматова Гузал Давлатовна, ОСНОВНЫЕ ТRENДЫ ТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ ИННОВАЦИЙ РОЛИ ЦИФРОВИЗАЦИИ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ.....	131
Умид Ҳайитов, O'ZBEKISTON SSRDAGI QISHLOQ XO'JALIGIDAGI O'ZGARISHLARDA FAYZULLA XO'JAYEVNING TUTGAN O'RNI.....	136
Саодат Хамраева, NAVOIY VILOYATI SOG'LIQNI SAQLASH TIZIMIDA ISLOHOTLARNING BORISHI JICA XALQARO AGENTLIGI TADQIQOTLARIDA (2007 - 2008 y.y.).....	142
Nuriddin Azizov, XALQIMIZNING BEBAHO MADANIY MEROSI.....	152
Норматов Ш.М. FARG'ONA VODIYSIDAGI SO'NGGI BRONZA VA ILK TEMIR DAVRI YODGORLIKLARINING TA'RIFI VA HIMOYA INSHOOTLARI	156
Ismoilova Mahbuba Elamonovna, AN'ANAVIY XONANDALIK DARSLARIDA MAQOM QO'SHIQLARINI O'RGATISH.....	162
Rasulov Baxtiyor G'ulmovich, IMPERATORNING MAXFIY MASLAHATCHISI SENATOR F.K.GIRS TOMONIDAN TURKISTONDA BOSHQARUV TIZIMINI TAFTISH O'TKAZISHNING SABABLARI.....	167
Кузиев Ойбек Чулиевич, SHAXS IJTIMOIVLASHUVI VA LIDERLIK FENOMENI.....	171
Низомов Х., Худойбердиев А. MILLATLARARO TOTUVLIK, DINLARARO AHILLIK - XALQARO DO'STLIKDIR.....	178
Tilavoldiyev Asrorjon Ulug'bek o'g'li, JAHONDAGI O'ZBEK DIASPORALARINING O'RGANILISH TARIXIDAN.....	183
Исмат Нуератиллоевич Наимов, QOZI MULLO MIR AHMAD O'ROQ ILMIY MEROSIDA SUNNIY-SHIA IXTILOFLARI VA ULARNI ISLOH ETISH YO'LLARI.....	190
Мирзаев Комилжон Мамиржонович, JANUBIY SO'G'D VOHASIDA O'RTA OSIYO ARXEOLOGIYA KAFEDRASI BOSHCHILIGIDA TASHKIL ETILGAN EKSPEDITSİYALAR.....	195

ИЖОД

Баҳром Маҳмудов, Қуёш.....	199
Шухрат САЙИД, Шеърни завқ беради.....	201



QOZI MULLO MIR AHMAD O'ROQ ILMIY MEROSIDA SUNNIY-SHIA IXTILOFLARI VA ULARNI ISLOH ETISH YO'LLARI

Исмат Нусратиллоевич Наимов
Бухоро давлат университети

Таянч сўзлар: "Меъёр-ут-тадойюн", иймон мезонлари, сунний, шиа, "усули хамса", ислом аҳкомлари, қози, "чор ҳоким", Дониш, ихтилоф, ислоҳ.

Маълумки, мусулмон дунёси VII-VIII асрлардан бошлаб икки оқимга бўлиниб кетди¹. Оқибатда, сиёсий келишмовчиликларга миллий-диний мазмундаги қарама-қаршиликлар ҳам қўшилди. Шиа эронийлари сунний арабларга душманлик билан қарши чиқа бошладилар².

Бундай ҳолат, Ўрта Осиё хонликларидаги диний муносабатларда ҳам кўзга ташланади. 1756 йил 12 декабрда Муҳаммад Раҳимхон 164 йил ҳукмронлик қилган манғитлар сулоласига асос солади. У аштархонийлар даврида иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан таназулга учраган давлатни анча тартибга солиб, кўплаб ободонлаштириш ишларини амалга оширган. Абулфайзхон даврида қўлдан кетган Бухоро хонлиги ҳудудларини анча кенгайтирган³. Бироқ манғитлар сулоласининг кейинги вакиллари, айниқса Амир Ҳайдар (ҳукмдорлик даври: 1800-1825 йй.) замонидан бошлаб амирлик тузумини бошқаришда кўплаб ижтимоий-сиёсий хатоликларга йўл қўйилган. Амир Абдулаҳад (ҳукмдорлик даври: 1885-1910 йй.) даврига келиб эса, давлат мансабдорлик вазифаларига аждодлари эроний қуллардан бўлган амалдорларнинг салмоғи ортиб, аҳолининг қўпчилик қисмини ташкил этувчи ислом дини мазҳабларининг манфаатлари инобатга олинмаган. Қўшбеги ва уламолар томонидан ношаръий фатволар чиқариш авж олган. Оқибатда, аҳоли орасида норозиликлар кучайиб турли динлар, айниқса ислом дини мазҳаблари орасида ниҳоятда қонли зиддиятлар авж олган ва улар ҳукуматни ташвишга солган⁴.

Шу сабабли, Бухоро амирлигидаги диний низоларни бартараф этиш ва улар орасида тинчликни мустаҳкамлаш учун айрим зукко алломалар эътибор қаратиб, ихтилофларни оқилона ҳал этиш бўйича ўз таклифларини ишлаб чиққанлар. Шулардан бири буюк маърифатпарвар аллома Аҳмад Дониш (1827-1897 йй.) номи билан танилган Қози мулло мир Аҳмад Ўроқ бинни мулло мир Носир ас Сиддиқи саналиб, у сунний ва шиалар ўртасидаги ихтилофларни ислоҳ қилиш бўйича махсус рисола ёзган.

А.Дониш диний ихтилофларни бартараф этиш учун яратилган махсус рисоласининг муқаддимасида уни ёзишга туртки бўлган омилларга батафсил тўхталар экан, ўз замонасида Бухоро амирлиги ички вазиятига раҳна солувчи турли мазҳаб ва оқимлар мавжудлиги ва уларни бағрикенгликка



чақириш зарурлигини таъкидлайди. Шунинг учун "Меъёр-ут-тадойюн"⁵ (Иймон мезонлари)⁶ номли асар ёзишга қарор қилгани ва чин мусулмон сифатида ҳақиқий эътиқод, диннинг тўғри йўли ҳақидаги фикрларини баён этиб, замондошлари ва келажак авлод учун васиятнома сифатида тақдим этганини таъкидлайди⁷. Токи ушбу рисола ишлари ўқиши ва онгли равишда иймон йўлига қадам қўймоқчи бўлган киши ғайрат билан иймонининг мукамаллиги ва номукамаллигини англайдиган ва бидъатга қарши норозилик билдира оладиган бўлиб етишсин⁸.

Муаллиф "Меъёр-ут-тадойюн"нинг учинчи фаслида асосан диний низолар масалаларига эътибор қаратади. Диний бағрикентлик ва тотувликни таъминлаш бўйича ўз хулосаларини келтиради. Асосан, диний ихтилофлар, хусусан шиа ва суннийларнинг ўзаро низоларига барҳам бериш ечимларини излашга уринади. Икки оқим ўртасидаги жанжалларнинг туб негизларига эътибор бериб, сабабларини излайди. "Аслида сабабларнинг аҳволи Аллоҳ чегараларига етиш ёки зоҳирий йўл топиш учун эмас, балки уламоларнинг қасос олиш ва дунёвийлик (бойлик) топиш учун бўлган экан!"⁹, – деб ёзади у.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Бухоро амирлигида XIX аср иккинчи ярмидан бошлаб сунний ва шиалар ўртасида адоват авж ола бошлаган. Бухоро амирлиги давлат мансабдорлик вазифаларига асосан шиа оқимига эътиқод қилувчилар тайинланган. Икки оқим ўртасидаги зиддият диний эмас, балки сиёсий ва иқтисодий мазмундаги ҳокимият учун кураш сабаб бўлган. Кўп ҳолларда улар ўртасидаги сурункали тортишувлар қотиллик ва қонли тўқнашувлар билан тугаган. Уларда асосан аҳолининг аксарият қисмини ташкил этувчи суннийлар голиб чиқишган. Оқибатда, шиалар Янги Бухоро (Когон)га кўчиб ўтишга мажбур бўлишган¹⁰.

Бундай салбий ҳолат амирликда турли дин ва оқим вакиллариининг мавжудлигида эмас, балки сиёсий тузилмаларининг юқори поғоналарида мавжуд бўлган иллатлар билан боғлиқдир. Чунки мансабдорлик вазифаларини эгалланган шахслар ўз иш фаолиятларида аксарият ҳолатларда шиа мазҳабига мансуб аҳолининг манфаатларини устун қўйиб, ҳимоя келишган. Қозилар икки дин вакиллари ўртасидаги низоларни ҳал қилишда адолатсиз қарор чиқаришлари оддий ҳолга айланган¹¹. Бироқ ҳар икки оқим вакиллари тинч ва осойишталикда, баҳрикентлик руҳида яшаш тарафдорлари эдилар. Узоқ йиллар давом этган можаролардан чарчаган фуқаролар адолат истаб, мавжуд муаммони ижобий ҳал этилишини кутганлар. Хусусан, бу тўғрисида бир неча йиллар қозилик фаолияти билан шуғулланган Аҳмад Дониш "Меъёр-ут-тадойюн" асарида аҳамиятли маълумотни келтиради. Баён этишича, Шероздаги бир мударрис (шиа мазҳабига мунсуб) суннийлар ўтадиган йўл ёқасида бир мевазор яратади. Боғда мевалар етилгач, шу боғ олдида ўтадиган ва ҳаваси келса-да, мевалардан баҳраманд бўла олмайдиган суннийларни кўрганида мотам сақлайдиган одати бўлади. Ундан мотамнинг сабабини сўраганларида суннийларга раҳми келиб, ачинишини ва уламоларининг қарорига биноан улар чорасизлик ва гарибликка дучор бўлганликларидан норози эканлигини



билдиради¹². Бундан хулоса қилиш мумкинки, муаллиф диний низоларнинг сабабларини топишга ҳаракат қилиб, асосий омил сифатида сиёсий ихтилофларга уламоларнинг аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ҳақида етарли даражада қайғурмасликлари ва мол-мулк тўплашга ружу қўйганликларида деб ҳисоблайди.

Дониш Бухорода диний низолар ўзининг авж нуқтасига чиқишидан ўн беш йил аввал (1895 й.) ушбу нозик масалага ҳукумат диққатини қаратмоқчи бўлганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Манбада низоларнинг сабабларини кўрсатиб, бартараф этиш чораларини кўришга даъват этади. Ўз ҳолига ташлаб қўйиб зудлик билан тадбирлар кўрилмас экан, қонли можаролар келиб чиқишидан огоҳлантиради. Албатта, Дониш мазкур масалада ҳақ эди. Чунки, амирликда мазкур нозик масала бўйича ўтган давр мобайнида тайинли чоралар кўрилмади. Оқибатда, 1910 йил январ (муҳаррам ойининг ўнинчи куни, ҳ. 1328 й.)да айрим гуруҳлар томонидан Бухоро шаҳрида уюштирилган фитна натижасида бир неча кунлик йирик мазҳабий қонли можаро келиб чиққан эди¹³. Ваҳоланки, бундан олдин қўшни хонликлар, хусусан Ашхободда сунний ва шиалар иттифоқчилик чораларни кўриб, ҳатто фарзандларини бирга ўқитишга келишган бўлсалар-да¹⁴, бу таркиби асосан шиалардан ташкил топган Бухоро амалдорлари учун ибрат бўлмаган эди. Бироқ таъкидлаш лозимки, маърифатпарварлар орасида тинчлик тарафдорлари кўпчиликти ташкил этар эди. Улар Донишнинг мазкур асаридан яхши хабардор бўлганликлари сабабли, ундан дастурул амал сифатида фойдаланиш мумкинлигини тушунганлар ва фитна келиб чиқиш хавфини сезиб, "Меъёр-ут-тадойун" асарини 1909 йилда хаттот Мулло мир Нўъмон ал-Бухорий томонидан қайта кўчиртирганлар ва кенг тарғиб қилишга ҳаракат қилганлар¹⁵.

Туркистон муҳофаза бўлимига келиб тушган маълумотларга кўра, тўқнашувга "Шахсей Вахсей"¹⁶ ("Ашуро") маросимининг Остонақул Қўшбеги рухсати билан очиқ ўтказилиши сабаб бўлган. 8-14 январь кунлари содир бўлган мазҳабий қаршиликларда ярадорлар билан ҳисоблаганда, қурбонлар сони минг нафаргача етган. Шаҳардаги бозорлар, йирик маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаларининг фаолияти бутунлай тўхтаган. Ҳатто бошқа дин вакиллари, хусусан яҳудийлар қотилликлардан ваҳимага тушиб, муҳофазаланиш мақсадида ҳукуматга мурожаат этишган. Шиалар Қўшбеги томонидан ўқотар қурол билан махфий таъминланган. Аҳолининг кўпчилик қисмини ташкил этувчи суннийлар Амир Абдулаҳаддан фитна айбдорлари, бухороликлар орасида "чор ҳоким" сифатида юритилган - Қўшбеги, Мироббоши, Қози-ул-қуззот ва Миршаббошини (уларнинг барчаси эроний эдилар) лавозимидан четлатилишини қаттиқ талаб этган¹⁷. Ҳатто Остонақул Қўшбегининг тўқнашувларга иштироки йўқлиги ва амирга содиқлиги тўғрисидаги иқдорномаси ҳам ўз лавозимидан озод этилишидан халос эта олмаган¹⁸. Қонли можаро фақатгина валиаҳд Саййид Олимхон томонидан масъулларнинг лавозимидан четлатилиши натижасидагина тинчланган¹⁸. Ўрганилган тарихий манбаларда келтирилган маълумотлар аниқ ишора бермаган бўлсада, 1910 йил январь ойидаги мазкур диний қарама-



қаршиликларнинг келиб чиқишида Россия империясининг Бухоро амирлигидаги сиёсий вакиллигининг ҳам қўли борлиги ойдинлашади.

Юқоридаги далиллардан кўриниб турибдики, Аҳмад Донишнинг хавотири ниҳоятда ўринли эди. Шунинг учун у бир диннинг икки йўналиши вакиллари ни ўзаро иттифоқлаштиришга ҳаракат қилиб, авваламбор улар бир қиблага бош қўювчи эътиқод вакиллари эканликларига урғу беради. Унинг фикрича, жамиятда муносиб хулқ-атворда бўлиш тамойилларига асосланган ва диндорлик талабларидан келиб чиқиб, риоя этиш керак бўлган қуйидаги бешта устувор мезонлар мавжуд, хусусан:

авваламбор илм эгаллаб, дунё суннатининг мукамаллигига эришиш учун сарвари оламнинг мавжудлигини ақл билан идрок этиш ва амалларнинг мукофоти учун қайта тирилишга иймон келтириш²⁰;

иккинчидан, зоҳирий ва ботиний покликка риоя этиб ҳасад ва нафрат, гийбатдан тийилиш, кишиларга меҳр-мурувват кўрсатиш, салбий фикрлардан сақланиш ва доимо Аллоҳни зикр қилиб юриш;

учинчидан, Аллоҳнинг ҳузурига шошилиб²¹, ибодат қилиб, салом бериш ва тақводорликка эришиш. Бугуни ва келажаги ҳақида қайғуриш ва дангасаликка қарши курашиш;

тўртинчидан, ахлоқий бузуқлик ва беҳаё амаллардан тийилиш. Бунинг учун кўнгили амрига қулоқ солиб, доимий никоҳда бўлиш. Зинога асло яқинлашмаслик. Бойлиги ва мансабидан худбинлик қилиб фахрланмаслик. Ғайратини ошириш учун керакли таълимни олиш. Судхўрликни касб қилмаслик. Бола тарбиясига эътиборли бўлиш. Уни мактабга юбориб, илм-фан ва махсус мартаба (касб-ҳунар) билан шуғулланишига шароит яратиш ва ўзга дин вакиллари билан тўқнашувлардан қочишга ўргатиш²²;

бешинчидан, шариатдан ташқари уламоларнинг даъватларидан қочиш, уларга қарши танқидий фикрлаб ғоявий қаршилик кўрсата олиш, бепарволикдан сақланиш. Иқтисодий (савдо-сотик) ва маиший хизмат кўрсатишда адолатли бўлиш. Агар булар одамларнинг вазифалари бўлса, унда адолатли, ростгўй ва раҳмдил бўлиш. Унинг фойдаси каби, зарарини ҳам кўра олиш ва ундан сақланиш. Хиёнат ва ўғрилиқдан тийилиш²³.

Шиалар ва суннийлар ўртасидаги ихтилофларни ислоҳ қилишга қаратилган мазкур иймон келтиришнинг мезонлари "усули хамса" деб номланиб, "Осмондан илоҳий китоб нозил бўлмаганида ҳам, киши уларга риоя этса, у шубҳасиз чин иймон-эътиқодли бўлишга эришади. Буни пайғамбар (с.а.в.)га нозил бўлган китоб (Қуръони Карим) ҳам тасдиқлайди ва уни янада мукаммаллаштириб, риоя этишни амр этади. Шунинг учун барча дин биродарлари уларга риоя этиб, бир-бирларига мурувватда бўлишлари, ифво ва ихтилофлардан сақланишлари лозим"²⁴, - деб ўз фикрларини тасдиқлайди муаллиф.

Хулоса қилиб айтганда, маърифатпарвар Аҳмад Дониш Бухородаги 1910 йил қонли январ воқеаларини жамиятдаги аҳволни чуқур таҳлил этган ҳолда 1894 йилдаёқ олдиндан ҳис эта олган. Диний ихтилофларнинг сабаблари, оқибатлари ҳамда ечимлари устида фикрлаб, кечиртириб бўлмас чора-тадбирлар орқали кўп йиллар давомида юқори сиёсий поғоналарда



тўпланиб қолган муаммоларга ечим топишга ҳаркат қилган. Эътибор қаратилган бўлса, Аҳмад Дониш таклиф этган "хамса усули" илм-марифат йўли орқали нафақат ислом дини йўналишлари балки барча дин вакиллари ўртасидаги эҳтимолий низоларни ҳал этишга бағишланган бўлиб, ҳатто бугунги кунда дунёда содир бўлаётган айрим муаммоларни ҳам бартараф этишга қодир бўлганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади.

¹Милодий 680 йилда Али ибн Абу Толибнинг иккинчи ўғли Ҳусайн Карбалода ўлдирилганидан бошлаб мусулмон дунёси икки оқимга, яъни сунний ва шиаларга ажралиб, бир неча асрлар давомида барҳам топмаган зиддиятларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Сунний ва шиалар ўртасидаги келишмовчиликнинг асосий нуқтаси, олий ҳокимият учун курашлари билан бир қаторда, улар орасидаги баъзи масалалар, хусусан, диний маросимлар ва ислом аҳкомлари масалаларида ҳам фарқлар мавжуд. Аммо бу улар ўртасидаги зиддиятларнинг туб илдизларидан узоқ бўлган келишмовчиликлардир. Шу сабабли ихтилофлар тобора кенгайиб, VII-VIII асрларда араблар томонидан забт этилган халифаликнинг шарқий минтақалари аҳолисини шиалар ўз таркибига кучли жалб эта бошлаганлар.

²Шмигд А. Из истории суннитско-шиитских отношений (В честь В.В. Бартольда). – Ташкент: Издание Общества для изучения Таджикистана и иранских народностей за его пределами, 1927. – С. 4.

³Ражабов Қ. Муҳаммад Раҳимхон – мангитлар сулоласининг асосчиси // Бухоро мавжлари, 2005. – №3. – Б. 37.

⁴Қаранг: Ўзбекистон МА, И-461-фонд, 1-рўйхат, 773-иш, 10-12-варақлар.

⁵Аҳмад ибн Мир Носир ибн Юсуф ал-Ҳанафий ас-Сиддиқий ал-Бухорий. "Меъёр-ут-тадойюн" (Иймон мезонлари) / ЎзР ФА ШИ, анжом рақами: 553. 136 варақ; Ўша жойда. анжом рақами: 2776. 153 варақ (1311/1894 й. Муаллиф дастхати); анжом рақами: 2187. 154 варақ (Кўчирувчи: Мир Сиддиқхон Ҳашмат).

⁶Муқаддима, 3 фасл ва хотимадан иборат. Асар ҳижрий 1311 (милодий 1894 й.) йилда ёзилган бўлиб, иймон ва диёнат, поклик ва унга эришиш мезонлари, диний ақидапарастлик ва унинг оқибатларини бартараф этиш, шунингдек, дунё динларининг моҳияти, ислом мазҳаблари – шиа ва суннийларнинг ўзаро қарама-қаршиликлари сабаблари ҳамда бир-бирлари билан муросага келиш масалалари тўғрисида фикрлар баён этилган.

⁷ЎзР ФА ШИ, анжом рақами: 553. 2,3-варақлар.

⁸ЎзР ФА ШИ, анжом рақами: 2187. 10-варақ.

⁹ЎзР ФА ШИ, анжом рақами: 553. 109-варақ.

¹⁰По поводу событий в Бухаре (Беседа) // Туркестанский сборник, Том 542. – Ташкент, 1910. – С. 2.

¹¹Қаранг: Гуровский Р. Экономическая жизнь в Бухаре // Туркестанский сборник, Том 542. – Ташкент, 1910. – С. 4.

¹²ЎзР ФА ШИ, анжом рақами: 553. 109-варақ.

¹³Бу ҳақда қаранг: Айний С. Тарихи инқилоби Бухоро. – Душанбе: Адиб, 1987. – С. 58-67; Телеграмм. Дахилия хабарлари // "Таржимон". 13 январь 1910 йил, -№3.; Исмаил Гаспиринский. Бухараи шариф вақеаси // "Таржимон". 22 январь 1910 йил, -№4.

¹⁴Каспий. Турли ҳавадис. // "Таржимон". 24 март 1906 йил, -№30.

¹⁵Қаранг: Аҳмад Маҳдуми Дониш. Меъёру-т-тадойюн (Таҳияи матн ба алифбои кириллии то?ики ва тасҳеҳу тавзеҳот ва шарҳи луғот аз А. Девонақулов ва Н. Зокиров). – Душанбе: Эр-граф, 2010. – С. 263.

¹⁶"Шахсей Вахсей" – шиалиқдаги мотам маросими. Муҳаммад расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакилари Абу Толибнинг набираси (Алининг иккинчи ўғли) имом Ҳусайннинг ҳалок бўлгани муносабати билан ҳар йили муҳаррам ойининг бошида ўтказилади. Шахсей-вахсей шиаларнинг мотам юришлари вақтида одат бўлган "Шоҳ Ҳусайн, воҳ Ҳусайн" деган қичқириқларининг қисқарган шакли ҳисобланади. Мазкур диний удум "ашуро" маросими деб ҳам юритилади.

¹⁷Ўзбекистон МА, И-461-фонд, 1-рўйхат, 773-иш. 2, 8, 10-варақлар.

¹⁸Ўзбекистон МА, И-126-фонд, 1-рўйхат, 193-иш, 2-варақ.

¹⁹Ўзбекистон МА, И-461-фонд, 1-рўйхат, 773-иш, 10-варақ.

²⁰ЎзР ФА ШИ, анжом рақами: 553. 126-варақ.

²¹Мазкур ўринда муаллиф мусулмонлар жамоа бўлиб беш вақт намоз ўқиладиган маскан – масжидни назарда тутмоқда.

²²ЎзР ФА ШИ, анжом рақами: 553. 127-варақ.

²³ЎзР ФА ШИ, анжом рақами: 553. 128-варақ.

²⁴ЎзР ФА ШИ, анжом рақами: 553. 128-варақ.